

Амири Рашид
(963 - Бухоро - 997)
(976-997)

Сомонийлар давлатининг амири, амир Мансур ибн Нухнинг ўгли. Отасининг вафотидан сўнг тахтга ўтирди (976-йил 26-сентябр). Сиёсий ва харбий соҳада ислохотлар ўтказган. Мухаммад ибн Абдуллох ибн Азиз вазир, Абулхасан Симжурий сипохсолор (бош кўмондон) бўлди. Сиёсий жараёнларда турк лашкарбошилариининг мавкеи кучайган. Нух ибн Мансурнинг лашкарбошиси Фойик Работи Малик якинида бўлган жангда атайлаб енгилган ва корахонийлар ҳукмдори Бугрохон (Хорун ибн Мусо) Бухорони урушсиз ишғол қилган (992). Бирок, Бугрохон касаллик туфайли Кашкарга қайтиб кетаётганда йўлда вафот этган (992). Нух ибн Мансур Амул (Чоржўй)дан қайтиб, Бухорони қайта эгаллаган. Бу пайтда Сомонийлар давлатига қарашли Хуросон Абу Али Симжурий (Абулхасан Симжурийнинг ўгли) ва Фойик, Газна ва Хирот вилоятлари Сабуктегин кўлида бўлган. Нух ибн Мансур билан Сабуктегин ўртасида Кеш ва Нахшабда ўзаро учрашув бўлиб, унда Сабуктегин сомонийларни кўллаб-қувватлашга ваъда берган. Гардизийнинг ёзишича, Сабуктегиннинг 20 минг кишилиқ кўшини Абу Али Симжурий (997-йил вафот этган) ва Фойик аскарларига ўтрот атрофида кучли зарбалар берган. Нух ибн Мансур Бухорога қайтган. Бирок унинг Сомонийлар давлатини таназзулдан саклаб қолиш йўлидаги ҳаракатлари ўз натижасини бермади. Корахонийларнинг Бухорога 996-йил қилган ҳужумлари оқибатида Сабуктегин билан Бугрохоннинг вориси Наср Илокхон ўртасида Нух ибн Мансурнинг иштирокисиз музокаралар ўтказилиб, сомонийларга Мовароуннахрнинг факат маркази қолдирилади. Нух ибн Мансур саройида шоир Дакикий ижод қилган. Машҳур табиб Абу Али ибн Сино 16 ёшида Нух ибн Мансурни даволаб, ўша даврда Шарқдаги энг бой кутубхона саналган Сомонийлар давлатининг кутубхонасида мутолаа қилиш имкониятига эга бўлган.